

Ризқни чиройли суратда топиш лозимлиги

05:00 / 03.03.2017 4530

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилинглари ва (ризқни) чиройли суратда талаб қилинглари! Зеро, бирон нафс токи ризқини тўла олмагунча ўлмайди. Агар у (ризқ) кечикса, бас, Аллоҳга тақво қилинглари ва уни гўзал тарзда талаб қилинглари, ҳалолни олиб, ҳаромни тарк этинглари!” (Ибн Можа ривояти).

Юқорида ҳар бир жонзотнинг ризқи Аллоҳ тарафидан кафолатлангани айтилган бўлса, ушбу бобда тақдирга ёзилган ризқни чиройли суратда, ҳалол йўллари билан топишга тарғиб қилинмоқда.

“Эй одамлар, Аллоҳга тақво қилинглари ва (ризқни) чиройли суратда талаб қилинглари! Зеро, бирон нафс токи ризқини тўла олмагунча ўлмайди”.

Яъни, эй мўминлар, Раббингиз Аллоҳга тақво қилинглари, У Зот буюрган амалларни ихлос билан бажариб, қайтарганларидан қайтинглари. Сизлар ризқ талаби ва касб-кор қилишни гўзал суратда, Аллоҳ руҳсат берган йўллари билан олиб бординглари. Зеро, Аллоҳ ҳар бир жоннинг ризқини азалдан тақдир қилиб қўйгандир. У ўша ризқини охиригача олмай туриб дунёдан кетмайди. Бас, ризқ борасида қалбларингиз хотиржам бўлсин.

Бу ерда ҳалол ризқ топишга тарғиб қилишдан олдин Аллоҳга тақво қилишга амр қилинишдан шуни билиб олиш мумкинки, агар бандада Аллоҳдан қўрқиш ҳисси – тақво бўлсагина у ҳалол йўл билан ризқ талаб қилади ва ҳаромдан четланади.

“Агар у (ризқ) кечикса, бас, Аллоҳга тақво қилинглари ва уни гўзал тарзда талаб қилинглари, ҳалолни олиб, ҳаромни тарк этинглари!”

Агар бирон сабабга кўра сизларга тақдир қилинган ризқнинг келиши кечикса, шошилманг, ҳаром йўллари билан тезроқ унга эришишга ошиқманг, балки Аллоҳга тақво қилинг, ризқни гўзал суратда талаб қилинглари.

Демак, мўмин банда қийинчилик ва оғир кунларда, ризқида танглик юз берган вақтларда ҳам ҳалол йўл билан касб-кор қилишни унутмаслиги ва Аллоҳга доимий тарзда тақво қилиши керак экан.

7 – Абу Умома розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Руҳул қудус менга токи бирон нафс ажали етгунича ва ризқини мукаммал тарзда олмагунича дунёдан кетмаслигини билдирди. Бас (шундай экан, ризқларингизни) чиройли суратда талаб қилинглар! Ризқнинг кечикиши сизларни Аллоҳга маъсият қилиш билан касб қилишга ундамасин! Зеро, Аллоҳ даргоҳидаги нарсага фақат Унинг тоати билангина эришилади” (Имом Табароний “Кабийр” да ва Ҳоким “Мустадрак” да ривоят қилган. Ҳокимнинг ривоятида: “Зеро, Аллоҳнинг фазли Унга осий бўлиш билан олинмайди”, дейилган).

Ушбу ҳадиснинг аввалги жумласи ўзидан олдинги ривоятнинг маъносини таъкидлаб келмоқда. Ривоятнинг охири эса бироз фарқлироқ.

“Зеро, Аллоҳ даргоҳидаги нарсага фақат Унинг тоати билангина эришилади”.

Яъни, Аллоҳнинг ҳузуридаги ризққа, барака ва яхшиликка, қолаверса, жаннатга фақат ва фақат У Зотга ибодат қилиш ва итоат этиш билан эришилади, Аллоҳнинг раҳматига ва фазл-карамига ҳаром ҳамда ношаръий йўллар билан эришиб бўлмайди.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани «Шайх Зайниддин» жомеъ масжиди
имом хатиби Одилхон Юнусхон